

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2025 йил 17 июль куни жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар судининг очиқ сайёр суд мажлиси Шаҳрисабз шаҳар “Хабарлик” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, шу суднинг раиси Н.Ашуровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Туйчиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчилари Шаҳрисабз шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Рўзиев, судланувчи Б.А ва унинг ҳимоячиси-адвокат Х.Намозов, марҳумнинг вакили О.Х, фуқаровий даъвогар М.Унинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 2-қисми билан судланувчи А.Б.Бга оид Х-XXXX-XXXX/XX-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

А.Б.Б - XXXX йил X март куни Китоб туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар судининг 2022 йил 9 сентябрь кундаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 105-моддасининг 1-қисми билан бўлган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати тугатилган, уйларни таъмирлаш фаолияти билан шуғулланади, депутат эмас, давлат мукофотлари олмаган, ҳарбий хизматга мажбур, ногиронлиги йўқ, Китоб тумани, “А” маҳалла фуқаролар йиғини, А кишлоғи, XX-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 20 июнда олган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва марҳум вакилининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, дастлабки тергов ҳужжатларини таҳлил қилиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Б.А 2025 йил 10 март куни соат 01:15 ларда маст ҳолатда, ўзининг бошқарувида бўлган онаси У Марҳабо Хурсановнанинг номига расмийлаштирилган XXXXXXXX давлат рақамли XXXXXXXX русумли автомашинасини Шаҳрисабз-Чироқчи йўналиши бўйлаб бошқариб бораётиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 1-қисми талабларига мувофиқ ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишдаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши кераклиги ҳамда 77-банди 2-қисми талабларига мувофиқ тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги тўғрисидаги талабларига риоя қилмасдан, жиноий бепарволик билан бошқариб келиб, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларга эҳтиётсизлик билан қараб, Шаҳрисабз тумани Ш МФЙ ҳудудида бошқарувини



йўқотиб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган. Натижада автомашина салоида бўлган Х Н.Н оғир тан жароҳати олиб, ҳодиса жойида вафот этишига ҳамда ХХХХХХХХ давлат рақамли “Нексия 3” русумли автомашинага 67.029.656 сўм зарар этишига сабабчи бўлган.

Шаҳрисабз туманлараро СТЭБнинг 2025 йил 24 мартдаги 18-Мурда сонли хулосасида, марҳум Н.Хнинг ўлими кўкрак ва қорин бўшлиғи абзоларини ёпиқ шикастланиши натижасида ўнг томон 4,5,6,7,8,9,10-қовурғаларини, чапдан 6-қовурғани ўрта умров чизиғи бўйлаб ёпиқ синиши, атроф юмшоқ тўқимасига қон қўйилиши, ўпкалар тўқимасига қон қўйилиши, жигарни йиртилиши, ошқозон ости бези ва чап бўйрак капсуласи остига қон қўйилиши, бош мияни ёпиқ шикасти, бошининг тепа соҳаси юмшоқ парда остига қон қўйилиши, мия қоринчаларига, мияча юмшоқ парда остига қон қўйилиши кўринишидаги жароҳатлар оқибатида юзага келгани, уларнинг асорати ички қон кетишдан келиб чиққанлиги, буни мурдани экспертизадан ўтказиш жараёнида аниқланган жароҳатларнинг макроскопик кўринишлари, морфологик белгилари ҳам тасдиқлаши, бу қарорда кўрсатилганидек йўл-транспорт ҳодисасида, яъни енгил автомашина салонининг олдинги буртиб чиқиб турувчи қисмларига урилиши натижасида ҳам келиб чиққанлиги инкор этилмаслиги, жароҳатларнинг етказилиш вақти ранги ва хусусиятларига кўра марҳумнинг ҳаётлик даврида, яъни ўлимидан олдин содир бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли этилмаслиги, бу каби тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича ҳаёт учун хавfli бўлган оғир шикаст белгиларига эга бўлиб, унинг ўлимига сабабий боғлиқлиги кўрсатилган.

Чироқчи туман ИИБ судга оид автотехника экспертиза хулосасининг 2025 йил 16 апрель кунидаги ХХХ-сонли хулосасида, ХХХХХХХХ давлат рақамли ХХХХХХХХ русумли автомашина ҳайдовчисининг ҳаракати “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 1,2-қисмлари талабларига мос бўлмаганлиги кўрсатилган.

Судланувчи Б.А судда, айбига тўлиқ иқrorлик билдириб, ХХХХХХХХ давлат рақамли ХХХХХХХХ русумли автомашинасини ўзи сотиб олган бўлсада, ҳайдовчилик гувоҳномаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ушбу машинани онаси М.Унинг номига расмийлаштиргани, автомашинани ора-орада яшаш ҳудуди атрофида бошқариб тургани, 2025 йил 10 март куни соат 20 ларда танишлари Н.Х ва Ж.Жўраевлар билан биргаликда Китоб тумани “А” МФЙ ҳудудида жойлашган ошхонага бориб овқатланишгани, у ерда уч шиша ароқ ичишгани, шундан кейин савдо дўконидан пиво олиб, биргаликда пиво ҳам ичишиб, маст бўлиб қолишгани, сўнг яшаш уйларига тарқаб кетишгани, шу куни соат 24:50 ларда таниши Н унга телефон қилиб автомашинаси билан чиқишини айтгани сабабли у онасининг номида бўлган ХХХХХХХХ давлат рақамли ХХХХХХХХ русумли автомашинани ҳайдаб чиқиб, таниши Н олдига кўчани бошига боргани, Н автомашинанинг олд йўловчи ўриндиғига ўтириб, улар биргаликда автомашинани Шаҳрисабз-Чироқчи йўналиши бўйлаб бошқариб бораётган вақтида, Шаҳрисабз туманидаги Ш МФЙ ҳудудида автомашинанинг бошқарувини йўқотиб, шу ердаги ариққа автомашинаси билан тушиб кетгани, бироз вақтдан сўнг ўзига келганида, Нни автомашинанинг олд ўнг томон йўловчи ўриндиғида жароҳатланган ҳолатда ётганини кўргани, шундан сўнг автомашинанинг ҳайдовчи томон эшиги қийшайиб қолганлиги



сабабли автомашинасининг орқа ўриндигига ўтиб, орқа томонда жойлашган эшик орқали ташқарига чиққани ва атрофдаги одамларнинг ёрдами билан таниши Нни ҳам автомашинадан чиқариб олиб, тез ёрдамга кўнғироқ қилгани, шундан сўнг бўлган ҳолатни бутунлай эслай олмаслиги, кўзини очганида шифохонада эканлигини, ҳозирги кунда айбига тўлиқ иқрор ва чин кўнғилдан пушаймонлиги, ушбу йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганидан сўнг марҳумнинг оила-аъзоларидан кечирим сўраб, марҳумнинг дафн ва бошқа маросимлари учун унинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатгани, марҳумнинг оила аъзолари ҳамда фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини маълум қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Б.А айбига иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлсада, унинг айби қуйидагилар билан тўлиқ тасдиқланади.

Жумладан, марҳумнинг вакили О.Х судда, Н.Х укаси бўлиши, 2025 йил 10 март кунига ўтар кечаси соат 03 ларда қишлоқдоши А Бегзод унга телефон қилиб, ўзининг укаси Б.А ва унинг укаси Нлар биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилишиб, укаси Бнинг XXXXXXXX русумли автомашинаси билан Қарши шаҳрига кетаётган вақтида йўлда йўл-транспорт ҳодисасига учрашгани, натижада унинг укаси Н оғир тан жароҳати олиб воқеа содир бўлган жойда оламдан ўтганлигини, укаси Б эса хушида эмаслигини айтгани, бу вақти у акаси Отабек билан Тошкент шаҳрида эканлигини, шундан сўнг уйига қайтиб келишгани, судланувчи Б.А қилган ишидан чин кўнғилдан пушаймон бўлиб, улардан кечирим сўраб, укасининг дафн ва бошқа маросимлари учун моддий ёрдам кўрсатгани, шу боисдан уни ва унинг оила аъзоларининг судланувчи Б.Ага нисбатан даъвоси йўқлигини маълум қилиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар М.У судда, судланувчи Б.А ўғли бўлишини, XXXXXXXX давлат рақамли XXXXXXXX русумли автомашинаси уни номида бўлсада, ушбу автомашинани ўғли Б.А кредитга олгани, 2025 йил 11 март куни эрталаб ўғли Б.А ушбу автомашинани Шаҳрисабз-Чироқчи йўналиши бўйлаб бошқариб бораётган вақтида, Шаҳрисабз туманидаги Ш МФЙ ҳудудида бошқарувни йўқотиб йўл транспорт ҳодисаси содир этганлигини, натижада автомашина саломида бўлган Н.Х оғир тан жароҳати олиб, ҳодиса жойида вафот этганлигини эшитгани, XXXXXXXX давлат рақамли XXXXXXXX русумли автомашинаси уни номида эканлигини сабабли фуқаровий даъвогар деб эътироф этилгани, судланувчи ўғли Б.Ага нисбатан даъвоси йўқлигини маълум қилиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Бундан ташқари, судланувчи Б.Анинг айби, жиноят иши кўзғатиш ва иш юритувга олиш тўғрисидаги қарор; ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги баённома, чизма ва илова қилинган фотосуратлар; мастлик ҳолатини текшириш баённомаси, судга оид тиббиёт экспертизанинг 2025 йил 24 мартдаги № 18-Мурда сонли экспертиза хулосаси; “XXXXXXX” русумли, XXXXXXXX давлат рақамли автомашина ҳайдовчисининг ҳаракатлари йўл ҳаракати қоидаларининг 77-банди 1-2-қисмлари талабларига зид бўлгани қайд этилган Чироқчи туман ИИБ судга оид автотехника экспертиза хулосасининг 2025 йил 16 апрель кундаги № XXX-сонли хулосасида; баҳолаш экспертизаси



хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан, судланувчи Б.Анинг жиноий ҳаракатлари йўл-транспорт ҳодисаси содир қилиши натижасида Н.Хнинг ўлимига сабаб бўлганлик белгиларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига кўра, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиш ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги, ушбу Кодекснинг 8-моддасида эса, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли қарорининг 25-бандида, судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Б.Ага нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда мастлик ҳолатида жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолашни, шунингдек айбига иқроп ва қилмишидан пушаймонлигини, марҳумнинг вакиллари ва фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан даъволари йўқлигини, марҳумнинг дафн харажатларига ва бошқа харажатларига сарфланган маблағларни тўлиқ қоплаб берганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 2-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазони тайинлашни, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатиришни, жазони ўташ муддатини у жазони ўташ учун юборилган корхона,



муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблашни, жазони ижро қилишни Китоб туман ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклашни, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини муддатини ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблашни, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини ижросини назорат қилишни Қашқадарё вилояти ИИБ ЙҲХБ бошлиғи зиммасига юклатишни, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни, марҳум Н.Хнинг вакили О.Хнинг ва фуқаровий даъвогар М.Унинг судланувчи Б.Ага нисбатан даъвоси йўқлигини қайд этишни, ашёвий далил “Нексия 3” русумли ХХХХХХХХ давлат рақамли автомашинанинг олд ўнг томон тепа қисмида мавжуд бўлган қўёш қайтаргични судланувчининг ўзига қайтаришни, ушбу автомашинанинг олд ўнг томон ички том қисмидан ҳамда ўнг томон олд лобовойидан олинган соч толаларини ҳамда ушбу автомашинанинг олд ўнг томон ташқарисидан олинган қонга ўхшаш доғларни йўқ қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и:

А Б.Б - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 2-қисми билан Жиноят кодекси 45-моддасини қўллаб, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан 1 (бир) йил 6 (олти) ойга маҳрум қилиб, шу Кодекснинг 57-моддасига асосан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ойга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтаттирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати маҳқум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Китоб туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклансин.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг ижросини назорат қилиш Қашқадарё вилоят ИИБ ЙҲХБ бошлиғи зиммасига юклансин.

Унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Марҳум Н.Хнинг вакили О.Х ва фуқаровий даъвогар М.Уларнинг судланувчи Б.Ага нисбатан даъвоси йўқлиги қайд этилсин.

Ашёвий далил - “Нексия 3” русумли ХХХХХХХХ давлат рақамли автомашинанинг олд ўнг томон тепа қисмида мавжуд бўлган қўёш қайтаргич судланувчи Б.Анинг ўзига қайтарилсин.



Ашёвий далил - “Нексия 3” русумли XXXXXXXXX давлат рақамли автомашинанинг олд ўнг томон ички том қисмидан ҳамда ўнг томон олд лобовойидан олинган соч толалари ҳамда ушбу автомашинанинг олд ўнг томон ташқарисидан олинган қонга ўхшаш доғлар йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланган ва марҳумнинг вакили эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар суди орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, апелляция тартибида шикоят берилмаган тақдирда ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Н.Ашуров

